

КОРПОРАТИВ ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАР БИЛАН БОҒЛИК НОТАРИАЛ ҲАРАКАТЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ВА НАЗАРИЙ-АМАЛИЙ МУАММОЛАРИ

Султонова Тўтиёхон Саидумаровна, юридик фанлар номзоди, адвокат

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач нотариат соҳасида қатор ислоҳотлар амалга оширилди. Бу борада Ўзбекистон Республикасининг “Нотариат тўғрисида¹”ги қонунга қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Нодавлат нотариал фаолиятни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий хужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 2020 йил 16 мартағи 156-сонли қарор²нинг ижросини таъминлаш мақсадида амалда бўлган Ўзбекистон Республикасининг “Нотариат тўғрисида”ги қонуни айрим моддалар билан тўлдирилди³ “юридик шахсларнинг раҳбар органлари йиғилишларида уларнинг таклифига кўра иштирок этиш⁴” ҳуқуқига эга бўлди.

Нотариусга берилган ушбу ҳуқуқ ўз навбатида унинг ваколатида ҳам ўз ифодасини топди. Нотариуслар томонидан амалга ошириладиган нотариал ҳаракатлар турини ўзида ифода этган 23-модда 12¹ прим модда билан тўлдирилди. Мазкур қонун талаби бўйича нотариус, “юридик шахснинг раҳбар органи томонидан қарор қабул қилинганлиги факти”⁵ни тасдиқлаш ваколатига эга бўлди.

Қонунда белгилаб берилган ушбу нормага кўра нотариусда бевосита жамиятда мавжуд бўлган низосиз корпоратив ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишида иштирок этиш ҳуқуки вужудга келди, натижада ушбу нотариал ҳаракатни амалга оширишнинг ҳуқуқий механизм асослари қонун билан мустаҳкамланди.

Мамлакатимиз мустақиликка эришгач иқтисодиётни барқарорлаштириш иқтисодий, ижтимоий соҳани ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш борасида қатор

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 2-сон, 42-модда; 2001 й., 1-2 сон, 23-модда; 2003 й., 5-сон, 67-модда; 2004 й., 1-2 сон, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2005 й., 37-38-сон, 280-модда; 2006 й., 39-сон, 385-модда; 2007 й., 52-сон, 533-модда; 2009 й., 39-сон, 423-модда; 2010 й., 37-сон, 313-модда; 2010 й., 15-сон, 163-модда; 2014 й., 20-сон, 222-модда; 2017 й., 37-сон, 978-модда; Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон, 24.07.2018 й., 03/18/486/1559-сон, 12.10.2018 й., 03/18/497/2044-сон; 16.01.2019 й., 03/19/516/2484-сон; 15.01.2020 й., 03/20/602/0052-сон. билан қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган.

² Интернет маълумотларидан олинди. <https://lex.uz/docs/4764053>

³ Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 11 октябрдаги ЎРҚ-497-сонли Қонунига асосан, Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 12.10.2018 й., 03/18/497/2044-сон.

⁴ Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 12.10.2018 й., 03/18/497/2044-сон

⁵ Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 12.10.2018 й., 03/18/497/2044-сон

қонунлар қабул қилинди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳукуқларини химоя қилиш тўғрисида⁶”ги, Ўзбекистон Республикасининг “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида⁷”ги қонунлар қабул қилинди.

Ҳозирги кунда иқтисодий судларда корпоратив низоларни ўз ичига олган юридик шахсни ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш билан боғлиқ низолар, юридик шахс иштирокчиларининг умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги низолар, юридик шахс бошқарув органларининг қарорларини ҳақиқий эмас деб топиш бўйича низолар мазмунан кўриб ҳал этилмоқда.

Иқтисодий судларда мазмунан кўрилаётган юридик шахснинг раҳбар органи бўлган, умумий йиғилиш қарорини ҳақиқий эмас деб топиш бўйича даъво талабларини мазмунан кўриб ҳал этишда судларда айрим далилларни тақдим этиш ва исботлаш тарафларда қийинчилик туғдирмоқда.

Бир сўз билан айтганда амалдаги Ўзбекистон Республикасининг “Нотариат тўғрисида”ги Қонунига киритилган ушбу тўлдириш мазкур низоларни олдини олишга барҳам беради, низо келиб чиққандга эса ушбу низони қонуний ҳал бўлиши учун ишончли далилни судга таъминлаб беради. иқтисодий судга:

иқтисодиёт соҳасида юридик шахслар ҳамда юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган ва якка тартибдаги тадбиркор мақомини қонунда белгиланган тартибда олган фуқаролар, шунингдек корпоратив низолар бўйича ишлар кўрилаётганда тарафлар бўлган фуқаролар ўртасидаги фуқаровий, маъмурий ва бошқа ҳукуқий муносабатлардан юзага келадиган низоларга доир ишлар тааллуқли эканлиги қонунан мустақамланди.

Ушбу мавзуни яқиндан ёритиш мақсадида мамлакатимизда фаолият юритаётган хўжалик субъектлари ичida ўзига хос ўрин тутган, корпоратив ҳукуқий муносабатлар таркибига кирган масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар фаолиятига тўхталиб ўтишни лозим топдик.

⁸ “Жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши жамият бошқарувининг олий органи ҳисобланади”.

Мазкур ҳолатда нотариус“юридик шахснинг раҳбар органи томонидан қарор қабул қилинганлиги факти” ни тасдиқлашдан аввал, юридик шахс раҳбар органи Қарор қабул қилиш вақтида қонун талабига риоя этганлигини текшириши лозим бўлади. Ушбу жараёнда раҳбар орган қарор қабул қилишда қонун

⁶ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 5-6, 61-модда;

⁷ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси .2002 й., 1-сон, 10-модда.

⁸ Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 12.10.2018й., 03/18/497/2044-сон

талабидан келиб чиқиб жамият иштирокчиларининг умумий йиғилишини чақириш тартибига риоя этганлиги, иштирокчиларнинг умумий сони қанча, қанча иштирокчи қатнашганда кворум мавжуд бўлганлик ҳолатларини аниқлаши керак.

Жамият иштирокчиларининг умумий йиғилишини чақирувчи орган ёки шахслар уни ўтказишдан камида ўттиз кун олдин бу ҳақда жамиятнинг ҳар бир иштирокчисини жамият иштирокчиларининг рўйхатида кўрсатилган манзил бўйича буюртма хат билан ёки жамиятнинг уставида назарда тутилган бошқа усулда хабардор қилиши шарт. Хабарномада жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши ўтказиладиган вақт ва жой, шунингдек таклиф қилинаётган кун тартиби кўрсатилиши керак⁹” дейилган.

Ушбу жараёнда нотариус жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиш ўтказиш тартибини қонуний асосларини аниқлаб олиши керак. Ушбу қонуннинг қайд этилган бўлиб, ушбуга кўра, жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши ушбу Конунда, жамиятнинг уставида ва унинг ҳужжатларида белгиланган тартибда ўтказилади. Жамият иштирокчиларининг умумий йиғилишини ўтказиш тартиби ушбу Конун, жамиятнинг устави ва ҳужжатлари билан тартибга солинмаган қисмида жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг қарори билан белгиланади¹⁰” дейилган.

Жамият иштирокчилари умумий йиғилишда шахсан ёки ўз вакиллари орқали иштирок этишга ҳақлидирлар. Жамият иштирокчиларининг вакиллари ўз ваколатларини тасдиқловчи ҳужжатни (ишончномани) кўрсатишлари лозим. Жамият иштирокчисининг вакилига берилган ишончнома қонун талабларига мувофиқ расмийлаштирилган ва нотариал тартибда тасдиқланган бўлиши керак. Нотариус нотариал харакатни бажаришдан аввал қонуннинг ушбу талабларига риоя қилганлик ҳолатини текшириб олиши лозим бўлади.

Жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг ушбу Конун ва бошқа қонун ҳужжатлари, жамиятнинг устави талаблари бузилган ҳолда қабул қилинган ҳамда жамият иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузадиган қарори овоз беришда иштирок этмаган ёки баҳсли қарорга қарши овоз берган жамият иштирокчисининг аризасига кўра суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин. Бундай ариза жамият иштирокчиси қабул қилинган қарор тўғрисида билган ёки билиши лозим бўлган кундан эътиборан икки ой ичида берилиши мумкин¹¹” дейилган.

⁹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси .2002 й., 1-сон, 10-модда.

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси .2002 й., 1-сон, 10-модда.

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси .2002 й., 1-сон, 10-модда.

Нотариат тўғрисидаги қонунга юқорида санаб ўтилган тўлдиришларни киритиш ва нотариусга ушбу ваколатни беришдан асосий мақсад айнан ушбу низоларни олдини олишга қаратилганлиги билан изоҳланади.

Таъкидлаш жоизки, Нотариат тўғрисидаги Қонуннинг **нотариус** юридик шахснинг раҳбар органи йиғилишини чақирувчи органнинг ёки шахснинг илтимосига кўра ушбу йиғилиш ўтказилиши чоғида ҳозир бўлади ва юридик шахснинг раҳбар органи томонидан қарор қабул қилинганлиги фактини тасдиқлаш тўғрисида ҳамда ушбу қарорни қабул қилиш чоғида ҳозир бўлган иштирокчиларнинг (акциядорларнинг) таркиби ҳақида *гувоҳнома беради*¹².

Нотариус юридик шахснинг раҳбар органи томонидан қарор қабул қилинганлиги фактини тасдиқлашда юридик шахснинг ҳуқук лаёқатини текширади, юридик шахс раҳбар органининг қарор қабул қилиш борасидаги ваколатини, йиғилишда кворум мавжудлигини ва овозларни санаб чиқиш асосида қарор қабул қилиш учун керакли овозлар сони мавжудлигини қонун хужжатларига ва юридик шахснинг таъсис ҳужжатларига мувофиқ аниқлайди.

131415161718 юридик шахс раҳбар органининг қарор қабул қилиш борасидаги ваколатини, йиғилишда кворум мавжудлигини ва овозларни санаб чиқиш асосида қарор қабул қилиш учун керакли овозлар сони мавжудлигини қонун хужжатларига ва юридик шахснинг таъсис ҳужжатларига мувофиқ аниқлайди, агарда ушбу ҳолатлар қонунга зид бўлса, **нотариус** нотариал ҳаракатни бажаришни рад этади, нотариал ҳаракатни бажаришни нима сабабдан рад этганлиги юзасидан қарор чиқариб **нотариусга** мурожаат этган юридик шахснинг вакилига топширади, **нотариус** ўзининг ушбу хатти-ҳаракати билан келгусида келиб чиқиши мумкин бўлган низони олдини олган ва ушбу низони судгача етиб келмаслиги учун қонуний чора-тадбирларни кўрган бўлади.

¹² Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 2-сон, 42-модда; 2001 й., 1-2 сон, 23-модда; 2003 й., 5-сон, 67-модда; 2004 й., 1-2 сон, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2005 й., 37-38-сон, 280-модда; 2006 й., 39-сон, 385-модда; 2007 й., 52-сон, 533-модда; 2009 й., 39-сон, 423-модда; 2010 й., 37-сон, 313-модда; 2010 й., 15-сон, 163-модда; 2014 й., 20-сон, 222-модда; 2017 й., 37-сон, 978-модда; Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон, 24.07.2018 й., 03/18/486/1559-сон, 12.10.2018 й., 03/18/497/2044-сон; 16.01.2019 й., 03/19/516/2484-сон; 15.01.2020 й., 03/20/602/0052-сон. билан қонунга ўзгариш ва кўшимчалар киритилган.

¹³ Синцов Г.В. “Об особенностях удостоверения факта принятия решений общего собрания участников общества с ограниченной ответственностью”//Ж:Нотариус 3/2015., С.35-36.

¹⁴ Синцов Г.В. “Об особенностях удостоверения факта принятия решений общего собрания участников общества с ограниченной ответственностью”//Ж:Нотариус 3/2015., С.35-36.

¹⁵ Синцов Г.В. “Об особенностях удостоверения факта принятия решений общего собрания участников общества с ограниченной ответственностью”//Ж:Нотариус 3/2015., С.35-36.

¹⁶ Ракитина Л.Н.”О нотариальных действиях, совершаемых нотариусами при подтверждении решений, принимаемых общим собранием общества с ограниченной ответственностью”//Ж. Нотариус 5/2015. С.13-16.

¹⁷ Синцов Г.В. “Об особенностях удостоверения факта принятия решений общего собрания участников общества с ограниченной ответственностью”//Ж:Нотариус 3/2015., С.35-36.

Ракитина Л.Н.”О нотариальных действиях, совершаемых нотариусами при подтверждении решений, принимаемых общим собранием общества с ограниченной ответственностью”//Ж. Нотариус 5/2015. С.13-16.

¹⁸ Андреев В.К.Решения собраний// Цивилист. 2013.№3С.63-72.

Фикримизча амалдаги Ўзбекистон Республикаси “Нотариат тўғрисида”ги қонуннинг 23-модда 12¹ билан 23-модда 12¹ “юридик шахснинг раҳбар органи томонидан қарор қабул қилинганлиги фактини тасдиқлайди” деган жумлани “нотариус ўзи иштирок этган йиғилишда юридик шахснинг раҳбар органи томонидан қарор қабул қилинганлиги фактини тасдиқлайди” деб тўлдириш келгусида нотариал ҳаракатни низосиз бўлишини таъминлайди.

